



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 28 (4530)
2019 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

"O'ZBEKISTON TARIXI" ТЕЛЕКАНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини фоллаштириш, ёш авлодни миллий қадриятлар ва аждодларимизнинг бебаҳо мероси асосида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан ғурурланиш туйғусини шакллантириш асосида миллий ўзликни англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёқарабини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (кейинги ўринларда – Ўзбекистон МТРК), Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 1 сентябрдан "O'zbekiston tarixi" телеканалини ташкил этиш тўғрисида республиканинг кенг жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланган таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар "O'zbekiston tarixi" телеканали фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

минг йиллар қаърига илдиз отган Ўзбекистоннинг қўна ва бой тарихи, халқимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўнган ғоят қатта илмий, маданий ва маънавий ҳиссаси ҳақида мамлакатимиз аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини кенг қўламада хабардор қилиш;

хар бир воқеанинг мазмун-моҳиятини изчил ва тизимли очиб бериш орқали буюк тарихимизнинг барча даврларини чуқур илмий тадқиқотларнинг ҳолисона натижалари асосида кўрсатиб бериш ахборот-таълилий ва мавзудли телекурслар, ток-шоу, "давра суҳбатлари"ни юқори профессионал ва ғойий-бадий савияда тайёрлашни ташкиллаштириш;

буюк ватандошларимиз – олимлар, мутафаккирлар ва азиз-авлиёлар, шоир ва ёзувчилар, саркардалар, давлат арбобларининг бебаҳо меросини кенг қўламада ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида уларнинг ҳаёт йўли ва қаҳрамонлиги тўғрисида, шунингдек, дунё аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон энг янги тарихининг ғоят ёрқин ва унутилмас саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи илмий-оммабон дастурлар ва ҳужжатли фильмлар туркумларини яратиш;

доимий ишлаб турувчи телевизион студия – "мунозара майдончаси" фаолиятини таъминлаш, Ўзбекистон тарихи бўйича илмий тадқиқотлар натижаларини, маданий ва қўна ёдгорликларни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни, шунингдек, халқимиз тарихига тааллуқли ва умуммиллий аҳамиятга эга бўлган бошқа ғоят муҳим масалаларни очик муҳокама қилиш учун олимлар, тарихчилар, тадқиқотчилар, ўқувчи-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари таклиф қилиш;

чет элларга ижодий сафарлар давомида халқимизнинг моддий ва номоддий мероси, Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ бўлган нодир қўлёзмалар, китобларни излаш, амалий сўнгалар бўлган ҳамда музейлар коллекцияларида, хорижий давлатларнинг илмий марказларида, шунингдек, жаҳон тарихий меросини ўрганаётган жамғармаларда сақланаётган қимматли топиламаларни ўрганиш натижалари бўйича махсус телекурслар тайёрлаш;

хорижий телеканаллар, илмий-тадқиқот марказлари ва жамғармалар томонидан тайёрланган, жаҳон тарихининг аҳамиятли лавҳаларини акс эттирувчи, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудига минг йиллар давомида содир бўлган тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлган воқеалар ва шахслар тўғрисида ҳикоя қилувчи кўрсатувларни сотиб олиш, ўзбек тилига таржима қилишни ташкиллаштириш ва миллий телерадиоканаллар эфирларида жойлаштиришга қўмаклашиш;

Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган воқеалар ва шахсларга бағишланган маҳаллий ва хорижий бадий фильмларни мунтазам намойиш қилиш, шунингдек, ушбу мавзу бўйича мамлакатимиз кино санъати усталари билан бадий фильмлар ва телесериаллар яратишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи ташкилотлар ходимлари сонини оптималлаштириш ҳисобига шакллантирилган, ходимларнинг қўнган умумий сони 116 нафардан иборат бўлган, "O'zbekiston" телерадиокомпанияси давлат унитар корхонаси қошидаги "O'zbekiston tarixi" телеканалининг тизимсиз иловига мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, "O'zbekiston tarixi" телеканали: Ўзбекистон МТРКнинг "O'zbekiston" телерадиокомпанияси давлат унитар корхонаси қошидаги "UzHD" телеканали негизида юридик шахс ташкил этмасдан HD форматда ташкил этилади;

республиканинг бутун ҳудуди бўйлаб тарқатиладиган рақамли кўрсатувнинг ҳаммабон ижтимоий пакети таркибига кирилади;

эфирни сифатли ҳужжатли ва бадий фильмлар билан, шу жумладан, тайёр телемахсулотга буюртма бериш шарт-

лари асосида тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, шунингдек, бошқа кино ва видео суратга олиш студиялари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси доимий асосда "O'zbekiston tarixi" телеканалига эфирга узатиш учун материаллар тайёрлашда, жумладан, уларнинг ишончилиги ҳамда тарихий воқеа ва фактларга мос келиши нуктаи назардан кўриб чиқилишида амалий ёрдам кўрсатсин, шунингдек, олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини телеканал орқали ёритиш учун тақдим этиб бурсин.

6. "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон МТРК икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига "Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан тасвирга олинган тарихий шахслар тўғрисида, миллий қадриятлар, анъаналар, Ўзбекистоннинг қарор топиши ва давлат сифатида ривожланишининг тарихий босқичларини акс эттирувчи бадий, бадий-публицистик, ҳужжатли фильмлар, сериалларни ҳамда анимацион фильмларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш форматларини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон МТРК бир ой муддатда: "O'zbekiston tarixi" телеканалининг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

"O'zbekiston tarixi" телеканали хар томонлама тайёрланган, шу жумладан, Ватанимиз ҳамда жаҳон цивилизациясининг қадимий ва бой тарихини юқори профессионал даражада биладиган малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

8. "O'zbekiston tarixi" телеканали Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 2-уй манзили бўйича Ўзбекистон МТРК биносига жойлаштирилсин ва доимий ишлайдиган "мунозара майдончаси"ни ташкил этиш учун студиялардан бири телеканалга бириктириб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2019 йилда янги ташкил этилаётган "O'zbekiston tarixi" телеканали таъминотида, шу жумладан, жаҳондаги ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини намойиш этишнинг лицензия ҳуқуқларини сотиб олишга, шунингдек, республика ҳудуди бўйлаб теледастурларни тарқатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкилотларига ҳақ тўлашни киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг жорий йилги параметрлари доирасида маблаг излаб топсин ва Ўзбекистон МТРКга ажратсин, 2020 йилдан бошлаб ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини параметрларида зарур молиялаштиришни назарда тутсин;

Ўзбекистон МТРКнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича "O'zbekiston tarixi" телеканали студияларини жиҳозлаш ва декорациялар тайёрлаш учун зарур бўлган 1,5 миллиард сўмгача миқдордаги маблаг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан ажратиб берилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон МТРК раисига: сифатли контентни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва самарали ижодий жараёни йўлга қўйиш мақсадида "O'zbekiston tarixi" телеканалининг Эксперт (маслаҳат) кенгашини шакллантириш ва унинг таркибини тасдиқлаш;

юқори малакали хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш ва ишга қабул қилиш ҳамда ажратилган бюджет маблағлари доирасида уларга хорижий валютада иш хақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

11. Ўзбекистон МТРК: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги ташкил этилаётган "O'zbekiston tarixi" телеканалини замонавий телевизион ускуналар комплекси билан жиҳозлаш;

икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 июль



МИЛЛАТНИНГ ҚУТЛУҒ БАЙРАМИ

Ўтган йигирма саккиз йил мобайнида мамлакатимиз мустақиллигини шарафлаб туркум-туркум бадий-публицистик мақолалар, кўрсатувлар, радиозинтиришлар эълон қилинди. Жилд-жилд китоблар нашр этилди. Айниқса, мустақиллиқнинг дастлабки йилларида қалбимизда фахр ва ифтихор туйғулари жўш урди. Узоқ йиллар қарамликда яшашга маҳкум этилган халқимиз учун, табиийки, Мустақиллик миллатнинг чинакам улуг байрами эди.



Орадан қарийб чорак асрдан зиёдрок вақт ўтаётган бўлса-да, бу улуг айём бизга бир олам қувонч ва хис-туйғулар бағишлайди. Беихтиёр энтикаимиз, фахрланамиз. Ахир, бир неча авлод ота-боболаримиз мустақилликни узоқ вақт орзу қилмаганимди ва бу йўлда миллатимиз фидойилари жонларини қурбон этмаганимди?!

Бутун бироз ҳаёт ҳақиқатига юз бургандекмиз. Ҳис-ҳаяжонларни бироз жиловлаб, ҳолисона айтсак, ҳақиқатан ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин ўз ҳаётимизни ўзимиз қуриш, фарзандларимизни ўзимиз илм-маърифатли қилиш, едириб-ичиришимиз масъулиятини зиммамизга олишимиз ҳаётини заруратга айланди. Курук гап, олди-қолди ваъдалар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаганимиз амалда кўринди. Қолаверса, халқимиз тақдирига боғлиқ ишларни ташкил этиш, уларни бажаришда

хайбаракаллачиликка йўл қўйиб бўлмаганини англаб етдик.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 июль куни матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида шундай дейилган: "Айниқса, охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз кифаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларнинг конкрет далаил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳо-лари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир".

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАРАННУМИ

Жонажон Ўзбекистонимизнинг марвариди – Марғилон
11-13 июль кунлари дилбар навоилар, мумтоз кўшиқлар,
жозибдор рақслар анжумани – "Буюк ипак йўли" халқаро
фольклор мусиқа фестивалига мезбонлик қилмоқда.




Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар боғида халқ оғзаки ижоди намуналарини тараннум этувчи фольклор байрамининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Фестивалда Италия, Германия, Франция, Канада, Жанубий Корея, Малайзия, Россия, Хиндистон, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Киргизистон, Япония, Эрон, Польша, Монғолия, Дания каби йигирмага яқин давлатдан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган санъат усталари, фольклор жамоалари, бадий ансамбллар иштирок этмоқда.

Биринчи маротаба ўтказилаётган фестивал 3 кун давомида мамлакатимизда номоддий маданий меросини асраб-авайлаш, хусусан, фольклор санъатини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиз.



ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАРАННУМИ


Бошланиши 1-саҳифада

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари, энг аввало, ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топлани ҳаммамизга яхши маълум. Турли халкларнинг миллий ўзинлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшчилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадридлир.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 5 та – Марғилон шаҳрида “Чодир жамол”, Кўкон шаҳрида “Кўкон ёр-ёри”, Қўштепа туманида “Қабутар”, Сўх туманида “Сўх чашмаси”, Фуркат туманида “Шодлик” ва Кувасой шаҳрида “Кўш чинор” фольклор-этнографик ансамбллари, шунингдек, 41 та хаваскор фольклор гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир гуруҳнинг бир-бирига ўхшамаган, ўзига хос репертуари мавжуд. Уларнинг муносиб ижрочилигида ялла, лапар, айтишув, ўлан, ёр-ёр, аллалар алоҳида ўринга эга.

Қаранг, қайси тилда жарангламасин, фольклор барибир фольклорда. Бехиёбат рақсга чорлайди, қўшқика жўр бўлгани келди, – дейди “Сўх чашмаси” фольклор этнографик ансамбли бадий раҳбари Абдувакқос Юсупов. – Ансамблимиз ўзининг ширу шакар қўшқилари, яъни ўзбекча-тожикча лапарлари, ашулалари билан тadbирга фaйз бағишлаш учун келди. Бундай нуфузли анжуманда биринчи бор қатнашимиз эмас, 2018 йилда “Бойсун баҳорин” фольклор байрамида совриндор бўлган эдик. Бу каби тантаналар ижодий жамоалар учун ўзига хос қўллаб-қувватлашдир.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди намуналарини кенг тарғиб этиш ва оммалаштиришда халқ дасталарининг ўрни ва ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айнан шу каби истеъдодларимизнинг изланиш ва интилишлари туфайли ушбу санъат тури бутун дунёда шухрат топиб, қадри абад қадрият сифатида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.



Айни жараёнда кейинги йилларда юртимизда халқимиз маънавий меросини ўрганиш, эзгу анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда боқий меросимиз бўлган фольклор жамоаларидан кенг фойдаланиш, халқимизнинг номоддий маданий мероси бўлган фольклор асарларини тўплаш ва кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Зотан, ўзининг мазмуни, тарбиявий аҳамияти ва умрбоқийлиги билан ажралиб турувчи фольклор санъати халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий эстетик олами, ички кечинмалари, орзу-мақсадларини содда ва юксак бадий ифода эта олган азалий қадриятдир.

Шу маънода, бугун Марғилон шаҳрида тантанали равишда очилган халқаро фестивал халқимизга хос самимий меҳр ва мухаббат бақиб турган опа қириб келди. Шейрлар ўқилди. Ўша пайтда шоирдан эшитганим мана бу мисралар кўксимни қуйдирган эди. Ҳамон қуйдирмоқда.

Қалба экан: Қадим турк чинорлари тиклансин,
Қон-сарпошнинг чин дўсти чин ёрлари тиклансин.
Хар юракда бир Турон минорлари тиклансин,
Улуғ мамлакатлар кўтарини!

Шоир шу шеърни ўқиган пайтда негандир онамга ўхшаб кетди. Шу-шу мен бу шоирни онам каби яхши қўриб қолдим. Шейрларини ўқиган чогимда, бошимда онам туриб менга панду ўғит бераётгандек бўладилар. Онамга шу улус сўз соҳибини Сизни қандай севсам, у зотини ҳам сиз каби яхши қўраман деганимда қулиб, у ҳам она-да ўғил. Яхши қиласан. Меҳру мухаббатли бўлиш энг олий неъмат. Унинг акси бўлиб қолишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин, деган ва дуо қилган эди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири

Сенсиз қалбим ғарибдан-ғариб,
Сувоклари кўчган бир қўлда.

Ўпгин, дейсан,
Қучоқла, дейсан!
Ох, қанчалар ҳаёт бу, эркам!
Буюк бўлсанг қанчалар
Шунча –
Қучганим қичкина экан.

Мен ўқиган шеър устозга маъқул тушди, шекилли, “Баракалла, яхши ёзибсиз. Қичкина қучоқингиз билан Ватаним маккам (айнан шундай деган) қучоқлаб, ўтти-ўтти шеърлар ёзишдан чарчаман. Шеъримизга яна ёрқин истеъдодлар кириб келмоқда, менга Нодир Жонзод, Гулжамол Аскарва, Гулноз Мўминова каби ёш ижодкорларнинг изланишлари маъқул бўлмоқда”, деди.

Албатта, бу каби хайрихоҳлик билан айтилган сўзлар биз ёшларни қувонтирган. Устозларнинг юз-

МИЛЛАТНИНГ ҚУТЛУҒ БАЙРАМИ

Бошланиши 1-саҳифада

Ёки АКШнинг “Open Democracy” электрон порталида “Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кечаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида мақола чоп этилди. Таҳлилчи Дарина Солод (Darina Solod) 2016 йили Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига сайлангандан сўнг мамлакатда бу йўналишда кенг қўлдан чора-тадбирлар бошлангани, жумладан, қатор қонун ва қарорлар қабул қилинганини ёздади” (“Халқ сўзи” газетаси, 141-сон).

Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизни модернизация қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида кенг қўлдан ишлар амалга оширилди. Биринчи олий таълим соҳасини олиб қўрайлик. Малакали кадрларни тайёрлаш, хорижий мамлакатлар тажрибаларини ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимизда жашоннинг нуфузли олий таълим ўчоқлари филиалларини, физика, кимё технологиялари соҳаларида янги йўналишларни очиш каби долзарб вазифаларга дадил киришилаётгани фикримизга далилдир.

Биз кўп ҳолларда она заминимизнинг ер ости ва ер усти табиий бойликлари ҳақида тўққиланиб гапиришни ёқтираемиз. Аммо уларни халқимиз дастурхонига нозу неъматлар қўйишида тақдим қилиш борасида ҳали етарли даражада малакага, илмий салоҳиятга эга эмас эдик. Қўрилган чоралар натижасида эндиликда ана шундай мураккаб ишларни амалга оширадиган геология, физика, кимё фанлари бўйича малакали мутахассислар ўзимизда тайёрланди. Тиббиёт соҳасида эришилган натижалар қанчалик самарали бўлмасин, бу соҳалар табиий равишда тақомиллашиб бораверади. Шундай экан, хорижий тажрибаларга суяниб, дунёнинг энг сўнгги русумидagi технологиялардан фойдаланиб, халқимиз саломатлигини сақлаш тараққиётимизнинг негизини ташкил этади. Демак, бу соҳада ҳам доимий изланиш, юқори малакага эга кадрларни тайёрлаш етакчи вазифалардан бўлиб қолаверад.

Шу қуналарда мамлакатимизнинг қайси туманига, қайси бир узоқ кишлоғига борманг, кўтаринки қайфиятга гувоҳ бўласиз. Ўртдошларимиз “Обод кишлоқ” дастури асосида бунёд этилган ёруғ ва шинам хонадонларга қўйиб ўтишмоқда. Бундай ишларга эндигина қўл урилган жойларда эса, бунёдкорлик ишлари жадал тус олган. Яқин орада Янгирода бўлмаган киши у ерда қад ростлаётган кўп қаватли уйлар, таъмирланаётган кенг қўчалар, мактаб, хотин-қизларни қасбга ҳозирлайдиган ўқув марказлари, спорт ва соғломлаштириш муассасаларини қўриб, қаердалигини ҳам унутиб қўйса, ажаб эмас.

Бундай тезкор яратувчанлик жабҳаси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа вилоятларда ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда. Биргина Сўхон воҳасидаги Шарҳун шаҳарчаси олайлик. Муқаддас бу шаҳар деврди қўчиликка маълум эмасди. Давлатимиз раҳбарининг таширфидан сўнг замонавий шаҳар барпо этиш жараёнида бошланиб кетгани, ҳозир 1200 нафар ишчи кечаю кундуз қамишдан бел боғлаб, мамлакатимиз мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш билан машғуллигини алоҳида таъкидлаш керак. Тошкент шаҳри-ку бутун олам қўз ўнгиде янги қиёфага кирмоқда. Қисқа муддатда барпо этилган Нурафшон шаҳрининг жамоалардан қўлар қа-

га аллақачонлар эсиб кирган. Тўғри, бу тўпламларда баъзан гармсеп сагрлар ҳам учраб туради – буни кеирича бўлади, улар шоиранинг оташ нафасига бир тола шамол, бир томчи шабнам етмаган пайтларда тутилган бўлиши мумкин, бироқ энг муҳими — Шабда шеърлар.
Бу шабадалар бора-бора елларга,
еллардан шамолларга айланди.
Қаранг, шамоллар аро олмалар оқариб
боряпти, оппоқ олмалар.
Тафаккурнинг, қўнғилининг, омоло
ниятларнинг оқ олмалари.
Бутун мамлакатнинг қўксига жонбахш шамоллар
эсаётган бир пайтда шу шамолларга бир насим
бўлиб қўшилмоқ, ёйилиб-ёйилиб, ястаниб-ястаниб
езмок...

“Мен оппоқ қўшқилар айтйман бугун”.
“Алвон-алвон қўшқилардан айт”, дейди шоира.

Унинг алвон овози – шеъримизнинг қўнғили турғу.
Унинг оқ шеърлари – меҳриятнинг оқ олмалари.

Ҳалима Худойбердиева “гулпор” сўзини яхши қўради. Бу гулпорнинг ҳам ранги оқ. Оппоқ. Унинг ёлларида оқ шамоллар ва юлдузлар сачрайди...”
Биз совға-саломларни олиб устоз хонадонига бордик. Уй тўла одам. Шогирдлар, дўстлар, фарзандлар, набиралар... Гул-гул яшнаб улар бағрида ўтирган опанинг бахтиёр эканлигини қўриш киши учун завқли, албатта. Биз гулдастани тақдим этдик.

Бироз ўтирдик. Опанинг суҳбатларидан баҳраманд бўлдик. Ушанда опанинг ҳузурда тонгта қалар қолсақ бўлар экан. Сўзларини, шеърларини тингласак бўлар экан. Ғофил банд, ушанда мен бу бетакор шоирани сўнгги марта қўриб турганлигини билмаганим...

Ҳалима опанинг ўтгани ҳақидаги хабарни Хиндистонда, хизмат сафарига юрганимда эшитдим. Бу йўқотки мен учун жуда қайғули эди. Нафақат мен учун, бутун бир миллат, Ватан учун мусибат эди бу йўқотки. Ахир, мен онам каби эъзозли бир зотдан айрилган эдим. Ҳаёлимдан Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шундай мазмунидаги ҳадислари ўтди, олимнинг ўлими оламнинг ўлимидир. Тўғри, Ҳалима опа олим эмас, шоира эди. Бироқ унинг қаламидан тўқилган мисралардан баҳра олган қўнғилларга нур-зиё – илм оқиб қирарди. Ана

машади. Буларнинг бари ҳаётимиздаги ўзимиз гувоҳи бўлиб турган ўзгаришлар ва бунга мисоллар қўп.

Қайси соҳани олиб қарайлик, ҳар бирида янгича ёндашув, янгича муносабатларни қўраемиз. Турмуш тарзимизда эришилган натижалар четдан қараганда тез қўзга ташланади. Мамлакатимизга таширф буюраётган хорижий саёҳатчиларнинг, олис кишлоқларимиздан пойтахтимизга келган азиз меҳмонларнинг эътирофига қулоқ тусангиз, ўзгаришлар қўламини яққол тасаввур этасиз.

Қўлга киритилган ютуқ ва натижалар энди бошланган тўб ислохотларнинг дебчаси эканини инобатга олиб, уларни ҳолис ва ҳаққоний эътироф этиш мақсадида тунги Тошкент жамолани, Навоий шаҳридаги маъмурчиликни таққослаб қўрайлик. Фарғона оқшомларининг фaйзи-чи? Буларнинг барини бир сўз билан чинакам самара, деб атаса бўлади. Тўғри, бошланган ишларнинг ҳаммаси ҳам хамирдан қил суғургандек амалга ошяпти, дейиш қийин. Камчилик ва нуқсонлар ҳам талайгина. Аммо миллатнинг катта тўйига тайёргарлик қўраётган эканмиз, уларни ҳозирча енг ичида сақлаб турайлик. Ютуқ ҳам, нуқсон ҳам ўзимизники...

Ўтган вақт давомида энг катта эътибор маънавий юксалишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ўта мураккаб жараён. Ёш авлоднинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, уларнинг ҳавасманд қўнғилларини қитобага ошно қилиш, бир сўз билан айтганда, тафаккурларини уйғотиш бош вазифа этиб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга тақдим этилган ва кейинги пайтда мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилган “Беш муҳим ташаббус”нинг мазмун-моҳиятини олиб қарасангиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг пойдевори қандай бўлишини тасаввур этасиз.

Мамлакатимизнинг келажакда қандай қудратга эга бўлиши, табиийки, ёшларга берилаётган таълим сифатига боғлиқ. Бу йўналишда бошланган тўб ислохотлар оғир кечаётган бўлса-да, ўзгаришлар зарурат эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилиб турибди. Таълимнинг бош бўғини, албатта, бошланғич таълимдир. Ислохотлар моҳиятан уларга қаратилгани, ёшлар ўртасида саводхонлиқни ошириш, таълим муассасаларини дунё стандартлари даражасида ахборот алмашув технологиялари билан жиҳозлаш масалаларга қамраб олинаётгани мустақиллигимизнинг чинакам ютуқлари сирасига қиради. Адабиёт, спорт, фан олимпиадаларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар, ижодкор ёшларга қўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик — буларнинг бари ўзбекона қалб, соф туйғу воситасида амалга оширилаётгани умидбахш ишлардир. Буларнинг бари мамлакатимиз мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш, дунё ҳамжамиятида ўзлиқни асраш борасидаги эзгу сазай-ҳаракатларимиздир.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги, унинг моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг фидокорона меҳнати орзу-умидлар йўлида амалга оширган ишлари самарасидир. Бу сана миллатимизнинг энг улуг байрамидир.

Унга тайёргарлик қўриш ва муносиб тарзда нишонлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз.

Ўқтам МИРЗАЁР

БИРИНЧИ УЧРАШУВ...

Тотла ва эггин хотиралар қўз ўнгимда жонланади... Ўслайман: кишлоқ ўртасидаги кичик бир тепалик. Қўёш қуйига эниб, борлиқни қизғиш рангига бўйи бошланган. Уч-тўрт ўспирин ерга уза-ла тушганча, фават ўзлари эшитадиган овозда гурун қиладилар... Шундай пайтларда айрим йигитчалар радио ё магнитофонларини баралла варанглаб қўйиб келишар, бу эса ёш қўнғилларга янада жўшқинлик, завқ-шавқ бағишларди. Бугун мозий экспонатларига айланиб улгурган ўша магнитофонлардан таралган оҳанглар, қўшқилар қадрдон тепалигини тоғ каби юксалтириб юборгандай, ўзимизни эса қанот чиқариб, қўлларга учириб юборгандай эди. Саксонинчи йиллар санъатининг осмонидagi порлоқ юлдузлар: Ортик Отажонов, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов қўшқилари, “Ялла” гуруҳи ва яна айтаверсам... Ўша кезларда халқимизнинг сеvimли хофизини Шерали Жўраев қўшқиларини эшитиш урф бўлганди.

Онагиним!
Дориламон қунар қулди, шафаклари ол,
Қаён боксанг, шайланишлар ва созлашар тор.
Олча гулини қўзларингга суртасан беҳол:
“Бу қунарларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

Ўша пайтларда мен бу қўшқиларнинг шеърлари қимта тегишди эканлигини дадам ва онамдан, адабиёт ўқитувчиларим Халил домла, Бахринсо опалардан эшитганман. Бу менинг ўша бетакор қўшқилар шеърлари муаллифи билан бўлган дастлабки учрашувим эди. Мактабимиз кутубхонаси ҳам анчагина бой бўлган. Ана шу кутубхонада “Илк мухаббат”имни топпанман. “Оқ олмалар”дан баҳраманд бўлганман. “Суянич тоғларим”дан рух олганман. Қўнғилим гуллари “Чаман” бўлган. Оғаҳий бобо: “Меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина” деганларидек, барча шеърят шайдолари каби мен ҳам “Бобо қўёш”нинг нуру тафтини сезганман. Ана шу гойибона дийдор улғу шоир билан ҳаётда ҳам учрашиш ва суҳбатлашиш иштиёқини қўнғилимга солган.

ИККИНЧИ УЧРАШУВ...

1993 йилнинг ёзи. Барча мактаб ўқувчилари каби бир олам орзу ва истаклар билан ҳужжатларимни Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига топширдим.

Талабалик. Иккинчи босқични эндигина бошлаган кезларимиз эди. Устозларимиз халқимизнинг ардоқли шоири билан учрашув ҳабарини беришди. Айтилган фурсат етиб келди. Бир неча устозлар қиршовида бўйлар баланд, Барчиной келбати бир аёл учрашув зали томон келарди. Ўзига ярашган виқор, айни вақтда қўзлариди биз

Қучоқлаган келди сени,
Ва сингилрим келар бағримга.
Дунё, сенинг юрагинг бошқа,
Тўшунмайсан менинг меҳримга.

Гули, дейман аланглар гулзор,
Жавоб бер, дил сўроқларига.
Мен дунёни қўйиб ташлайман,
Қўзларимнинг туфроқларига.

Туфроқларни ўпаман қориб,
Тепкилайман гоҳида – телба,

УЧИНЧИ УЧРАШУВ...

Зомин. Мен каби, мейрдан қаттиқкор ижодкорлар учун бир одам тенгдари бўлиб қолди. Устозимиз Абдулла Орипов бошчилигида Зоминга етиб келдик. Устозларнинг сабоқлари қўнғилимизга бир олам ҳажжон ва орзу-умидлар солди. Шу пайтга қадар ўзимизга берган ортинча баҳоларимиз пуч нарсас эканлигини тушунгандай бўлди. Ҳа, ерда устоз Абдулла Ориповнинг қитобига дастхат ҳам олганмиз. Ўзимда. Тўмарислардек шижоати сўзларига қўчган Ҳалима опанинг ўзидан шеърлар тинглаш қанчалар ёқимли. Бундан ташқари қани сизнинг ҳам шеърларингизни бир тинглаб қўрайлик-чи, дея бизни тинглаб тургандаги ҳолати асло ёддан қўтарилмайдиган хотирадир. Шу ерда мен ҳам ўз шеърларимдан ўқиб берганман. Мана ўшанда ўқиган шеърларимдан биттаси:

ларини ёруғ қилиш истаги биз учун катта масъулиятга, хаттоки бурча айланган эди, десам хато бўлмас. ...Анжуманининг сўнгги кўни. Ҳамама устозлар ва иштирокилар жам бўлишди. Шунда устозимиз Абдулла Орипов сўзга чиқиб, анжуман натижаларини маълум қилдилар. Унда менинг номим айтилмади. Жўда бошқача бўлиб кетдим. Ахир, биринчи ўринни олишни қутган эдим-да. Устоз шоиримиз сўзлари якунида Ҳалимама ва бошқа ижодкорларимизнинг тақдирлари билан биз Ғайрат Мажиловни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилишга қарор қилдик, дедилар.

СЎНГИ УЧРАШУВ...

2018 йил 17 май. Эрталаб ҳар доимгидек ишга – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига келдим. Рансимизнинг олдига кириб, устоз бугун сеvimли шоиримиз Ҳалима опанинг тутилган кўни. Бир йўқлаб келсак, жуда хурсанд бўлар эдилар, дедим. “Мен ҳам кеча шу ҳақида ўйлаган эдим”, – деди устоз тақдифимни қувватлаб. – Албатта, бориш керак. Кеча томон ўтиб келамиз. Мен бундан анча йиллар муқаддам, 1987 йилда “Оқ олмалар” китобидан рухланиб ёзганларимни матбуотда эълон қилдирган эдим. Ўқитган бўлсанг керак”.

Ҳа, ўқиганман, дедим-да, ўқиганларимни эсладим. “Тап фават “Оқ олмалар”дагина эмас, — дея ёзгандай ушанда Сирожиддин ака. — Шоиранинг “Чаман”, “Исик қор”, “Суянич тоғларим” сингари шамол тўпламлари руҳлар, қўнғилларнинг мушток боғларини

Ғайрат МАЖИД

ЮРТИ МЕХРИ БУЛАНДА ХАР САТРИМГА ЗЕБ...

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги тантаналарига кўтаринки руҳда тайёргарлик ишлари олиб борилаётган шу кунларда тахририятимиз пойтахтдан олисда яшаб, ижод қилаётган ёзувчи, шоирлар, ёш қаламкашларни янада руҳлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятлардаги ижодкорларга бағишланган саҳифаларни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни режаслаштирдим. Ўйлаймизки, мамлакатимиз ҳудудларидаги ўзига хос адабий муҳит, ижодкорларнинг интилишлари барчамиз учун қизиқарлидир. Газетанинг ушбу сонидagi илк саҳифа Андижон вилоятига бағишланди.

ТАХРИРИЯТ

ИЖОДКОРЛАРГА РАВБАТ БАВИШЛАБ

Андижоннинг фахри — буюк бобомиз Заҳриддин Мухаммад Бобур авлодлари бутунги кунда вилоятда барча соҳалар каби адабиёт ривожини, китобхонлик маданиятини ошириш, юртимизда кечаётган тарихий даврни китобларга муҳраш, ёшларни юксак ғоялар руҳида тарбиялаш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Мухаммад Юсуф ижод мактаби ижодий жараёнлар марказига айланди, десак бўлади. Ўқувчи-ёшлар барча фанларни чуқур ўрганиш билан бирга, мактаб қошида Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган “Мухаммад Юсуф издошлари” адабий тўғараги машғулотларига катнашиб, таниқли шоир ва ёзувчилардан бадиий ижод сирларини ўрганишмоқда. Ирода Орифжонова, Машхура Ботирова, Шафбат Ўлмазова, Одина Эгамбердиева, Хуршида Султонова, Дилшода Абдумуталлибова, Мухаммадзиз Қодиржонов, Эгамберди Акмалов сингари қаламкаш ёшларнинг машқлари устозлар эътиборини қозонаётгани, Республиканинг марказий адабий наشرларида эълон этилаётгани барчамизни қувонтиради.

Президентимиз белгиланган берган бешта муҳим ташаббус асосида ёш авлоднинг маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бундан

ларини мазмуни ўтказишни ташкил этиш, бунда уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб мутолаасига қизиқишини ошириш бўйича “Андижон намунаси”ни яратиш устида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Суратда: Андижонлик бир ғурух ижодкорлар

Жумладан, ёшларни маданият ва санъатга, компьютер технологияларини чуқур ўргатишга, жисмоний тарбия ва спортга, китобхонликка жалб этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, “Махалла кутубхонаси” лойиҳасини амалга ошириш, китоб кўргазмалари, янги китоб дўконлари ташкил қилиш, чекка-чекка ҳудудларда кўча кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида “Библиобус” ташкил қилиш каби ишлар олиб боришмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, таниқли ижодкорлар Назиржон Саидов, Қамчибек Кежа сингари устозлар ҳам бизга яқиндан кўмак бермоқда.

Хуршида ҚЎЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлими раҳбари

Дилшодбек МАМАСОЛИЕВ

Ўзбек ўғлонлари

Жонни фидо айлаб Ватанга,
Тинчлик истаб гулзор, чаманга,
Сиз лойиқсиз шарафга, шонга,
Тинчлик деган юртининг навқари,
Эй, юртининг мағрур аскарини!

Сиз-ку Алпомишнинг издоши,
Сиз Жалолдин йўлдоши,
Темурбек қиличи, қўлдоши,
Тинчлик деган юртининг навқари,
Эй, юртининг мағрур аскарини!

Сизни кутар мунис онангиз,
Сиз борсиз – ғоз юрар отангиз,
Сиз борки, тинч ухлар болангиз,
Тинчлик деган юртининг навқари,
Эй, юртининг мағрур аскарини!

Миж муҳаббат

Тор кўчадан тошлар отиб ўтар эдим,
Чиқишининг сабр билан кутар эдим,
Сочларингдан тортиб-тортиб кетар эдим,
Болаликнинг кўчасида қолган севгим.

Кўшни боғин деворидан ошар эдик,
Боғбон қувса, қўл ушлашиб қочар эдик,
Ариқларда олмалардек оқар эдик,
Болаликнинг кўчасида қолган севгим.

Оқар сувдек йиллар оқиб ўтиб кетди,
Сени учқур қанотида олиб кетди,
Севгимиз-чи, юракларда қолиб кетди,
Болаликнинг кўчасида қолган севгим.

Тор кўчамга меҳмондирсан энди билсам,
Сира сўнмас армондирсан энди билсам,
Ошпоқ гулдаш поклик рамзи эдинг билсам,
Болаликнинг кўчасида қолган севгим.

Баҳодир АНДИЖОНИЙ

Севимини билмайсиз

Хар гал ҳам дилбарим сизга боққанда,
Хўрсиниб-хўрсиниб нафас оламан.
Нигохингиз ўти танам ёққанда,
Бир не дея олмай ёниб қоламан.
Севимини билмайсиз.

Хаёл елканларин ишқининг тўфони,
Хижрон денгизига суриб кетади.
Сизга осмонимнинг ёруғ чўлони,
Айтинг, қандок қилсам қўлим етади.
Севимини билмайсиз.

Шўх сабо бўлсам қулогингизга,
Шивирлаб дил розим этардим баён.
Дудоғим қўярдим дудоғингизга,
Сизга эргашардим борсангиз қаён.
Севимини билмайсиз.

Ёнингизда кўрсам нотаниш зотни,
Қизғоник васлингиз эзди раҳим.

Кўмсаб дил эркаси — сиз паризодни,
Бағрим ҳунларини ювади ашқим.
Севимини билмайсиз.

Умримни тикардим бир сўзингизга,
Меҳрим гулдастасин этиб армуғон.
Юз йил яшасак ҳам ой юзингизга,
Тўймасдан боқардим ошуфта гирён.
Севимини билмайсиз.

Баъзида ўтсангиз шундоқ ёнимдан,
Бу ғариб ҳолимга бермасдан баҳо.
Воз кечмоқ бўламан ширин жонимдан,
Чунки қўнгил қўмсар сиздан бир саҳо.
Севимини билмайсиз.

Гумонлар юракка зарба урмоқда,
Армонлар гирдобини ўқталар бизга.
Умид қуши дилга уйин қурмоқда,
Сизни алмашмасан бошқа минг кизга.
Севимини билмайсиз.

Тобақай ўтарман айтмайин аҳдим,
Муҳаббат қўшмоқда қувват жазмга.
Ўқингиз шеъримни, эй менинг бахтим,
Англаб деб етказдим солиб назмга.
Севимини билмайсиз.

Абдухалил ҚОРАБОЕВ

Қалдирғочили

Учиб келинг, қалдирғочим, учиб келинг,
Қўлларимга қўнинг, мана, қўлларимга.
Юрагимга қуйлаб қўқлаб наволарин,
Райҳон бўйин сочиб келинг йўлларимга.

Учиб келинг, қалдирғочим, учиб келинг,
Ота жойин шифтларида уйларингиз.
Чарчаб, ҳориб келганимда онажоним
Алдасидай янграб турсин қуйларингиз.

Учиб келинг, қалдирғочим, учиб келинг,
Соғиниб келинг эзгуликнинг гулларини.
Нух пайғамбар кемасида илонлар қўп,
Ўзиб ташланг илонларнинг тилларини.

Учиб келинг, қалдирғочим, учиб келинг.

Сукунат

Сукунат!
Сезяпман...
Эшитяпсан нотинч юрак зарбларини.
Англаяпсан,
Сўздан чарчаб,
Соқов бўлган задаларнинг қалбларини.
Сукунат,
Айтадиган сўзларимни айтиб бўлдим,
Арсатининг йўлларидан қайтиб бўлдим.
Энди сўнгги дил сўзимни сенга айтди,
Ювиб ташлай юрагимнинг гардларини.
Сукунат!
Илтимосим, тилга қирма!
Тилга қирсанг,
Сен ҳам сўзим эшитмайсан.
Англамайсан
Хорғин қалбнинг дардларини,
Тилга қирма...

Юрағили

Сайёдлар домига қарамай,
Қояда оҳудек ўйнадим.
Сўзимни гулларга ўрамай,
Юрагим, сени ҳам қийнадим.
Бу чигал дунёни англамай,
Тўлқиндай хайкириб қайнадим.
Титроғин сезмайин, тингламай
Юрагим, сени ҳам қийнадим.
Хаққул ҳақ дегандай қуйиниб,
Сира ўз холингга қўймадим.
Нотаниш йўлларда суриниб
Юрагим, сени ҳам қийнадим.
Бир умр эзиллиб, ўртаниб,
Ёнмасин деб сени ўйладим.
Келишиб яшашга ўрганиб,
Юрагим, сени ҳам қийнадим.

Барно СОЛИЕВА

Соғиниб

Хароба уйдир қалбим,
Апрель ҳам мунгайди.
Янги кунлар тўғилиб
Соғинчлар улғаяди.

Рўмолчамга айланган
Хатларингни йиртардим.
Деразам чертди шамол,
Ёмғир каби титрадим...

Дераза термилар ғамгин хонамга,
Отам бувижоним кўмсаган, балки.
Балки қалапақдек рақсга тушдим,
Сувратимни артди онам билан.

Гулларини тўкиб, синибди ўрик,
Эскириб кетибди ҳовлимиз дарров.
Ҳадемай янгилаб кетаман дилни,
Менсиз уйимизни босса ҳам қиров.

Китобларим тўла тоқчани энди,
Кўз ёшлари билан артади синглим.
Она, соғинсангиз ойни қақиринг,
Осмон меникидир, мен унга сингдим.

Мижжиза

Тунларини бошига ўраб,
Саждага эгилган дарахтман.
Мўъжизаман, билмайсан, ҳаёт,
Ва ё сенга берилган бахтман.

Тилла қўнғиз учираётган
Боланинг қўнғида яшайман.
Умр тилаб қилгучи дуо,
Онанинг қафтида яшайман.

Безоридек йўлимни тўсиб,
Ҳаёт, шохларимни қайирма.
Сенда яшай – сени яшайман,
Ўзингни ўзингдан айирма...

Қуйи оғирроқ дилим,
Чалишни хоҳламам.
Нигохларимни тингланг,
Қулишим ноламасми?

Хаёлларга камалдим,
Ёлдим шом эшитгани.
Қўнғим очилди шу дам,
Қутдим шеър келишини.

Изтироб овозини
Басталаётган найман.
Тақдиримга ёзилган
Охангларда яшайман.

Дурбек ҚЎЛДОШЕВ

КУШУБХОНАДА

даларидан бирига келиб қўнди. Қўзлари олазарак ҳодима уни “қўлга олиш”нинг айнаи пайти эканини айтиб яна йигитларга қаради. Афсус, бу сафар ҳам бирон мард чиқиб бу “қалтис иш”га қўл уришга ботинолмади. Балки қўшапалак билан қандай муолажа бўлиши, унинг безорлигини билмаганиданми ё табиатнинг мана шу сўқир, ғариб жониворидан жиркандими, бунини билиш қийин эди. Нима бўлганда ҳам йигитларда озгина шижоат етишмаётгани аниқ эди...

Тўғри, бу ёруғ оламда қўшапалакларнинг мингдан ортқ тури борлиги, айримларининг қанотлари бургутнинг қанотига етай деб қолиши, буюк

бобомиз Ҳиндистонни фатҳ этганларида, “Яна бир катта шаппарадур, уни чамагдар дер эканлар. Улуг-лиги ялапоқшуча бўлади. Бошини кучукнинг бошига ўхшайди. Дарахтга қўниш учун яқинлашади, бироқ шохини чағаллаб, бошини пастга осилтириб тураверади. Бу жуда қизиқ кўринади” 1, дея хайратда қолган эканлар. Бу энди шунчаки гап эмас, ҳайвонот дунёсининг чин муҳлисларига тааллуқли катта мавзу, шунинг учун ортга қайтиб қўя қолайлик...

Нафасини ростлаб олган жонивор тезда у ерни ташлаб, кенг хонада қанот қоқиб, қўниш учун шайланаётгандай бирор нарсасга яқинлашиб борарди-да, яна ортга бурилганча, аввалгидай пала-партиш йўналишдаги ҳаракатидан тинай демасди. Жониворнинг қачон хонани тарк этишини ёки учибдан тўхташини эса, шу лаҳзаларда ҳеч ким “башорат” қилолмади...

Саросимага тушиб қолган кутубхоначи опа қўрқа-писа ўрнидан турди-да, қўзойнагини қўлига олиб бошини қуйи солганча тез-тез олмабди хонадан чиқиб кетди.

У ер-бу ердан эшитилиб турган шивир-шивирлар таққа тиниб, хонага фақулодда сукунат чўкди. Бир йигит билан қиз энг масканига тинч, ҳеч ким ҳалакат бермайди, деб шунчаки келишган экан... Қиз бечора қўзлари жовдираб деди:

– Жасур ака! Қўшапалак билан сичқондан ўлгудек қўрқаман! Тезроқ кетайлик, – деган эди “жасур” йигит ҳам худди инганинг устида ўтиргандек, зўрга турган экан:

– Хўп бўлади, Ойпопуқ! – дея қизнинг нозикона қўлидан олиб зипиллаганча қўздан гойиб бўлди.

Шу пайт орқа ўриндикда ёнма-ён ўтирган икки йигитнинг пиқирлаган овози қўлоққа қалинди:

– Ботир! Бу арамас чўқийдими, тишлайдими? – деб сўради.

– Ўлай агар, билмайман... Яқиндан қўрган эмасман... Бир китобда ўқиганимда: оғзи тўла майда ўткир тиш, қаноти тирнокли, танаси эса жун билан қопланган, деб ёзилган. Катта акам мактабда ўқиётганида шаҳардаги ёш табиатшунослар клубига катнардим. Бир куни деворнинг қовагидан қўшапалак тутиб олиб, қанотларининг икки четидан тортиб: “Қўриб қўй, ука! Ёдингда бўлсин! Дунёдаги энг митти, безор, сўқир сут эмизувчи жонот мана шу бўлади! Қучли акустика ёрдамида уцади!” дея учириб юборганди. Тўғриси, ўшанда бироқ чўчиб кетганман... Лекин, тимдалаб олиши аниқ! – дея қўшиб қўйди билармонлик билан қўрсаткич бармоғини кўтариб.

Хуллас, хонада кескин вазият ҳамоно сақланиб турарди.

Жонивор чарчаб ортқк учиниша малори етмай қолдими ёки хона қафасдек туюлди, бунини билиш қийин эди. У бирдан ҳаракатдан тўхтаб, ўртага тўшаб қўйилган гилам устига таппа тушди!

Ҳа, у чиндан ҳам қолдан тойган эди. Унинг базўр нафас олаётгани сезилиб турарди. Ахир, ҳу қулиқ киши уйқусидан уйғониб оқ холда шунча парвоз қилганига қойил қолмасдан бўладими?! Барчанинг нигоҳи ўша, сирли нуктага қалайиб, энди нима бўларкин, дея ўйлаиб қолганди...

Шу пайт хонага қорачадан қолган, истараси иссиқ, қўлида китоб-дафтарини тутган қиз қирар экан, қўшапалакка қўзи тутиб, дарҳол қўлидаги нарсаларни стол устига қўйди-да, ёнидан рўмолчасини чиқарди. Кейин сира иккиламмай қўшапалакнинг устига ёпиб, авайлабгина қўлига олди. Худди ўпиб олмақчидай, унга меҳр билан жилмайганча қўзларига яқин олиб келаркан...

– Ҳа, жонивор, уйғонибсан-да! Бу жой хавфли! Оёқ остида қолшинг мумкин! Сени жойинг ташқарида! – дея майин овозда пиқирлаб эркалатди ва деразини очиб, табиат қучогига қўйиб юборди!

Энди барчанинг нигоҳи аста келиб орқа ўриндиклардан бирига ўтирган “жасур” қизга тикилган эди... Қиз атрофдагиларга зарра эътибор қилмай китобдан белгиланган қўйган саҳифани топи-да, иштиёк билан мутолаага киришди.

Тадбирда иштирок этган ижодкорлар ва адабиётшунослар Хуршид Нуруллаев шеърларининг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталиб, кузатишларини, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

“АСТАНА ОПЕРА”СИ ЎЗБЕК САХНАСИДА



Ўтган асрнинг иккинчи ярмида дилтортар шеърларио драматик асарлари билан эл оғзига тушган Максим Каримов инсонийликни тараннум этувчи пьеса ёзган. “Инсонликка номзод” деб номланган ушбу саҳна асари дастлаб 1980 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Маҳкам Маҳамедов томонидан Сирдарё театри саҳнасида рус тилида саҳналаштирилди. 1984 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Жўра Маҳмудов асарни шу театр саҳнасида янгича талқинда саҳнага қўйди. Асар ўша пайтда нафақат Сирдарё театри, балки ўзбек театри тарихи соҳнасида алоҳида саҳифа бўлиб қарган эди. “Инсон” аталмиши ишаратли номга муносиб бўлишига давлат этувчи “Инсонликка номзод” асари 35 йилдан сўнг, яна айнан Сирдарё вилоят мусиқали драма театри саҳнасида. Ҳўн, бу сафар асар қандай акс-садо берди?

Театр бош режиссёри Мансур Холқов мазкур асарни бугунги даврга ҳамоҳанг тарзда саҳнага олиб чиқишни олдиға мақсад қилиб қўйди. Жўра Маҳмудов маслаҳатларини аймай, асарни бугунги кунга мос равишда таҳрир қилди. Нихоят, ижоддаги маслаҳатчилик самараси ўлароқ, М.Холқов пьесани саҳнага олиб чиқишнинг уйдасидан чиқди. У саҳналаштирувчи рассом Исмаил Юнусов билан ҳамфикр бўлиб, саҳнавий мухитни топишга ҳаракат қилди. Икки қаватли кўринишга эга декорациядан томошанинг узвийлигида унумли фойдаланилган. Айниқса, ушбу декорация бир вақтнинг ўзида томошабинга икки воқеани кўрсатишда жуда қўл келган. Топила яхши, бироқ саҳнада қандайдир мавҳумлик ҳукм суради. Сабаби декорациянинг ниҳоятда оддийлигида бўлса керак. Ёғоч ўсқналарга матодан ишланган озгина парда қўшилганда саҳна янада очиларди. Бир кўриниш билан иккинчи кўринишнинг ўз киёфаси яраларди.

Спектакль мусикаси Фарҳод Қорабев томонидан воқеаларга мос тарзда танланган. Романтик кўринишларда лирик мусика янгради, зиддиятчи, калтис жойларда жиддий, жўшқин мусикалар актёрлар ижросини қувватлаб турарди. Асар жанри публицистик драма бўлгани учун образлар тили ўткир киноя ва ачиқ сўзлар кураши орқали кучли зиддиятлар асосига қурилган. Бош қаҳрамон Озод Алиев шаҳарга ҳоким этиб тайинланган, ҳудудда илдиш отган турли иллатларга қарши кураш бошлайди. Бу образни истеъдодли актёр Иброҳим Қосимов юксак маҳорат билан ижро этган. Томошабин Алиевнинг ҳаракатлари орқали халқни рози қилиш, янги ғоялар сари дадил қадам ташлаш, юртга бўлган салокат, ватанпарварлик каби инсоний туйғуларни ҳис қилиш. Шу билан бирга, бу образ порақўрлик, коррупция, табиқ-билишчилик каби иллатларга қарши курашга чорлайди. Актёр И. Қосимов спектаклда бугунги давр ҳокимла-

ри қандай бўлиши кераклигини Озод Алиев тимсолида кўрсатиб берди. Асарда Алиевнинг болалиқдаги синфдош дўсти Азим образи бор. Бу ўз манфаати йўлида ҳеч қандай қабилликдан қайтмайдиган, учигачик қантовламачи, муттаҳам, “илоннинг ёғини ялаган” одам образи. Уни театрнинг иккитдорли актёрларидан Шерзод Каттабобоев ўзига хос тарзда талқин этган. Азим спектаклда Алиев билан кучли зиддиятларни, мурасасиз тўқнашуларни келтириб чиқарувчи асосий қаҳрамон. У бир пайтнинг ўзида бир неча хил тусланади: ақли ишбилармон, оқил, фидойи,

Қаҳрамонлардан яна бири Озод Алиевнинг қотибаси Фароғат образини театрнинг иккитдорли актрисаларидан Дилором Мирсалимова моҳирона талқин этган. Бир қарашда Азимнинг Фароғатга нисбатан хатти-ҳаракатлари туғайли у фахш ва бузуқлик тарғиботчисига айланиб қолиши мумкин эди. Лекин Д.Мирсалимова ижрода шу вазиятни сездирмай, образни асарнинг асосий мақсади сари йўналтира олган. Фароғатнинг турмуш ўртоғи Башар оддий талаба. Оқил, камтар, оққўнғил ва самимий инсон бўлган Башар ролин театрнинг умидли актёрларидан Шухрат Абдурахмонов ўз имкониятларидан келиб чиқиб ижро этган. Бизнингча, мазкур ижро спектакль руҳиятига нисбатан анча суёт кечди. Ҳусусан, спектаклнинг бошланишида Башар суяқли ёри Фароғатни қутмоқда. Севги ҳақида оташ мисрали шеър ўқийди. Аммо актёр Ш.Абдурахмоновнинг юришидан, ҳаракатларидан “тарвузи қўлтиғидан тушиб”, ҳафсаласи пир бўлган тушқун ҳолатдаги қиёфани кўрасиз. Гўё одамнинг раҳмини келтирувчи бир муҳим ҳодисанинг жабрдийдаси. Аслида, саҳ-

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Маматиллохунова гавдалантирган. Очиги, унинг саҳнага чиқиб келишидан нимадир жиддий воқеа содир бўлди, деб ўйлайсиз. Чунки актриса

ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

шашт билан томошабинга тикка қараб гапирганча келади. Гўё ўғлининг ортидан пойлаб келган олдидан тайёрланиб чиққандек. М.Маматиллохунова аввал икки ёшга кўзи тушиб, сўнг томошабинга қараб сўзини баён этса, маъқул бўлармиди... Актрисанинг бу образи аввалги оналар образларини такрорлагандек туюлади. Асли бу она насихатқўйликдан, маслаҳатқўйликдан йироқ, ортинча хатти-ҳаракатлардан холи, самимий аёл. Бўлар иш бўлганидан ноилқоқлиб, метин ирода ва улкан матонатини намоён қилиши керак бўлган образ.

Шаҳар бозорини гуруҳ бўлиб эгаллаб олган бюрократ тўдабоши, порақўр Қорабев образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Адҳам Абдуллаев маҳорат билан ижро этган. Биргина кўз қараш, ҳаракатлари қаҳрамон нутқи билан уйғунлашган ҳолда кўз ўнгимизда яхлит образни намоён этади. Шундай образлардан яна бири — уруш ногиронини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шайф Жумаев ўзига хос талқин этган. Томошабин унинг ҳаракатларини аввалги сурбетларча орсизлиқ деб билиб нафратланса, кейинчалик ўғлининг қилмишидан жабрдийда бир мўйсифид эканига ачинади. Образ характери ни моҳирлик билан очиб берган Ш. Жумаев ижроси алоҳида эътирофга лойиқ. Кўшми аёл (Раъно Хайитова), Йўлғи (артист Ғайрат Бозоров) образлари ҳам катта маҳорат билан ижро этилиб, спектаклда турфа характерлар намоён бўлишини таъминлаган. Мазкур образлар бир кўринишда намоён бўлса-да, улар ҳақиқий Инсон ким, у қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб бериш учун хизмат қилади. О.Алиев айтганидек, барчамиз бу дунёда инсонликка номзодимиз. Аммо диссертацияни ёклаб, чин инсон бўлиш қийин. Жула қийин! Лекин ёклаш керак!

“Инсонликка номзод” пьесаси ўтган асрда яратилган бўлса ҳам бутуннинг долзарб мавзусини очиб беролган. Режиссёр бунинг уйдасидан чиқди. Шу боис ҳам бу асар республика театрларининг “Сени қўлаймиз, замондош!” кўрик-фестивалида 3-ўринни қўлга киритди.

Бекмурод БАРОШ

ҚАРДОШЛАР ИЖОДИДАН

зоғистоннинг таниқли санъаткорлари Сундет Байғожин (Абай) ва Салтанат Ахметова (Ажар) ижро этдилар. Залин тўлдирган опера ихлосмандлари қозғистонлик санъаткорлар ижросини гулдурас қарсақлар билан олқишладилар.

Қардошларимиз навбатдаги “Мадам Баттерфляй” операсини эртага шу театр саҳнасида намоён этишди. Ж.Пуччинининг энг машҳур асарларидан бўлган мазкур операнинг дирижёри Алан Бўрибоев, режиссёр — Лоренцо Амато. Операдаги асосий партиялар таниқли санъаткорлар Медет Чотабоев, Жаннат Бақтай, Дина Хамзина, Талғат Мусабоев ижросида янграйди.

Ўн учинчи июлда давом этадиган “Астана Опера” театрининг спектакллари ўзбекистонлик санъат мухлисларига завқ бағишлайди, деган умиддамиз.

Г.УМАРОВА

Мусиқа ҳақида асосли илмий фикр билдириш ҳаммага ҳам nasib этилмайди. Бу ишни мукамал илм даражасида уйдalay олганлар эса ҳақиқат равишда эътирофга лойиқ. Яқин ва

Ўрта Шарқ халқлари мусиқий-назарий меросининг билимдон, ўзбек мусиқашунослик фанининг йирик вақили, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Абдуманнон Назаров (1953–2005) ана шундай олимлардан эди. Бу инсон умри давомида мусиқа илмининг машаққатли йўлларини сабот билан қадамба-қадам босиб ўтди ва фикрдан теран мушоҳида закий олим мартабасига эришди.



ЗАКИЙ ОЛИМ ЭДИ

Абдуманнон Назаров илмий фаолиятининг салмоқли қисми Санъатшунослик институти билан боғлиқ. Бу нуфузли илм даргоҳида у дастлаб кундузги аспирантура бўлимида таҳсил олди, кейинчалик шу институтда илмий ҳодим ва “Мусиқа тарихи” бўлим мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Олимнинг илмий фаолиятига баҳо берилганда “биринчи бўлиб” ибораси қўп мартабада асосли ишлатилишига иқдор бўлаемиз. Шунингдек, у араб, рус, форс ва инглиз тилларини пухта билган, яна ҳам муҳими, шу тилларда илмий фикр-мулоҳазаларини ифодалай олиш салоҳиятига эга бўлган серғайрат олим эди. Масалан, у ўзбек олимлари орасида биринчилардан бўлиб Х асрда яшаган таниқли муҳаддис, шайх Абу Бакр ал Бухорий ал Калободийнинг «Китоб ут-таърифу ли-маъах ит-тасавуф», Умар Хайёмнинг “Рисола фил мусиқа”, Сафиуддин Урмавийнинг “Китоб ул-адвар” рисола-ларини араб ва форс тилларидан ўзбек тилига ўғиришга ҳамда бу асарларга давр талаби ўлароқ илмий-назарий изохлар беришга муяссар бўлди. Айни вақтда, унинг профессор Файзулла Қароматли илмий раҳбарлигида тайёрланган ва 1984 йили муваффақиятли химоя қилинган “Книга песен ал-Исфохани в аспекте транскультуративных процессов” мавзусидаги номзодлик диссертацияси рус тилида ёзилган йирик илмий талқиотнинг намунасидир.

Ҳар бир зиёли қаби олимни “она тили — жон тили” қайғуси мудом тарқ этмаган. Шунданки, у ўзгал ниятига мувофиқ ўзбек тилида баён услуби мукамал бўлган йирик илмий талқиотлар ва мақолалар битди, махсус атама-лар лугатини янги-янги сўз-иборалар билан бойитди. Шу аснода ҳозирги давр ўзбек тили асосида мусиқашуносликнинг пойдевор янгилик муҳим асослари узил-кесил шаклланишига салмоқли улуш қўшди. А.Назаров ўзбек мусиқашунослик илми нуфузининг нафақат республика, балки халқаро миқёсда ҳам юксалишига ҳам ўз хиссасини қўшди. Турли даражадаги илмий анжуманларда сермазун маърузалар билан чиқишлари мутахассислар эътиборини қозонди.

Маълумки, шўро тузуми даврида мусиқий мерос намуналарини миллий-диний қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш қалтис иш эди. Журъатли ва кенг дунёқарашли олим ўша мураккаб даврдаёқ мумтоз мусиқий мерос намуналарида тасавуф таълимотининг инъикоси мавзусини ёритишга жазм қилган биринчи мусиқашуносларимиздан бўлди. Муаллифининг 1989 йили “Ёшлик” журналида эълон қилинган “Тасавуф ва мусиқа” мақоласи фикримизнинг далилидир.

А.Назаровнинг мусиқий манбашунослик жаҳасида олиб борган фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Жумладан, закий олим қомусий алломалар — Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Абу Бакр ал-Бухорий ал-Калободий, Умар Хайём қаби қомусий алломаларининг илмий асарларини серқўлам (таржима, шарҳ, талқин) ёритиш асосида, мақомшунослигининг аънавий мумтоз мусиқанинг тарихи, ўғимидан тизимлари ва моҳиятини англаш борасида муҳим манбаларга эга бўлди. Шунингдек, Шарқ мусиқа илмининг асосчиси Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синонинг илмий мусиқий меросини мукамал ўзлаштирган қаҳрамонимиз “Форобий ва Ибн Сино мумтоз иёкё назарияси” номли илмий монографиясида Шарқда аввалдан қадимги йонлардан фарқли бўлган ритм таълимоти мавжудлигини исботлаб берган биринчи олимдир. Қолаверса, шу мавзуга доир докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилиб, мустақиллик даври ўзбек мусиқашунослигида биринчи бўлиб санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига мушарраф бўлди.

Олимнинг педагогик фаолияти ҳам эътиборга сазовор. У қўп йиллар консерваториянинг профессори мақомида талабаларга “Шарқ халқлари мусикаси” фанидан дарс берди, мутахассислик бўйича қатор етук мусиқашуносларни вояга етказди. Унинг илмий раҳбарлигида Ирода Дадажоновна “Қутбидан Шерозийнинг мусиқий таълимоти” мавзуда номзодлик диссертациясини тайёрлади ва 2002 йили муваффақиятли химоя қилди. А.Назаров 2000 — 2005 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтидаги “Санъат тарихи ва назарияси” кафедрасига музирлик қилди, талабалар учун дарслик ва ўқув маърузаларини нашрга тайёрлади. Серғайрат олим Форобийнинг “Китоб ул-мусиқа ал-кабир” (“Катта мусиқа китоби”) шох илмий асарини ўзбек тилига ўғириш ва уни замонавий мусиқашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш ишга астойдил бел боғлаган эди. Афсуски, бу улкан иш адоғига етмай қолди...

Бутунги кунда закий олимнинг илмий ғоя ва қарашлари унинг маслакдош ҳамкасблари, шогирд ва издошлари фаолиятида давом эттирилмоқда. Олимнинг қўлзма ҳолидаги бой илмий меросини нашрга тайёрлаб чоп этириш ишлари мусиқашунослигимиз ривожига учун ҳар жиҳатдан фойдали, қолаверса, ҳозирги давр талаби ҳамдир.

Оқилхон ИБРОХИМОВ

ИНСОНИЙЛИК МАДҲИ



муғомбирлик билан дўстининг қўйнига қириб оладиган устумон, яна жиддий, қаттиққўл, шайқатсиз тўдабоши ва ҳар бир сўзни чертиб айтувчи фирибгар. Хўш, ана шундай характердаги образни Шерзод Каттабобоев маромига етказиб очиб бера олдими? У одагта комик актёр бўлгани боисми ё тажриба етишмаганиданми, натижа кутганидек бўлмаган. Умуман олганда, бу актёр роль устиди режиссёр билан ҳали анча ишлаши керак.

нада бутун танаси жунбушга келиб, қиндан чиқаёган юраги така-пука бўлиб, севиғисини яшира олмай, ўзига синмай дийдор онларини интиқлик билан қутаётган девонасифат бир одам томошабин кўз ўнгиде гавдалангани керак эди. Ш.Абдурахмонов талқинидаги Башар образи акс ҳолатда намоён бўлади.

Ошиқ ва машуқнинг дийдорлашу саҳнасида қутилмаганда Башарнинг онаси пайдо бўлиб, “Хали ёшислар, шоп-қалоқлик қилманлар”, дейди. Онани

лим тизимида, шу билан бирга бошланғич таълимда ҳам ўргатишни бошлаш вақти келди.

Мақомни алоҳида фан сифатида ўқитиш қанчалик муҳим ва долзарб масала эканини тушунган ҳолда шу йил январ ойидан бошлаб Андижон шаҳар 28-болалар мусиқа ва санъат мактабиде таҳсил олувчи барча йўналиш ўқувчиларига “Ўзбек мақоми” номли янги фанни ўргатиш жараёни бошланди. Апрель ойининг охиригача таълимда вилоят мусиқа мактабларининг “Мусиқа назарияси” бўлими ўқитувчиларига очик дарс ўтиб берилди. Натижада янги фанни кенг оммага кўрсатиш, камчиликлар устиде изланишлар олиб бориш орқали мукамал ўқув дастури,

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

санъатимизни болалиқдан тинглашни, қисман бўлса-да, хис қилишни ўрганишлари кераклиги ойдин бўлди. Шу билан бирга, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, республика мусиқа мактабларининг “Мусиқа назарияси” бўлими ўқитувчиларига 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб ўзбек мақоми ҳақидаги фанни ўқув жараёнига қиритишни ва ўргатишни бошлаш зарур, деган тақлифни билдирмоқчиман.

Фарида МАҚСУМОВА,
Андижон шаҳар 28-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, мусиқашунос

МАҚОМНИНГ СИР-СИНОАТИ

Ёш авлодни мақом санъати билан янада кенгрок таништириш ва шу орқали ёшларда миллий гурурни, юксак мусиқий-бадий дид ва таваққулни қамол топтириш йўлида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳар қандай эътирофга лойиқ. Шу маънода фақат мақом мактабларида эмас, республикамиздаги барча мақом ва санъат мактабларида турли йўналишларда таҳсил олувчи ўқувчиларга ҳам мақом ҳақида тушунча бериб бориш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Тўғри, ҳозирги кунда мусиқа санъатининг таълим масканлари бўлиш мусиқа мактаблари, санъат коллежлари ва лицейларда “Ўзбек мусиқа адабиёти” ёки “Ўзбек мусикаси тарихи” фанлари таркибиде мақом мусиқа санъатиға тегишли маълумотлар берилди. Лекин бунда тинглаш орқали тушуниш ҳамда фарқлаш, таҳлил қилиш билан ушбу мусиқа санъатини кенг ўрганиш таълим жараёнида йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, “Хорижий мусиқа адабиёти”, “Рус мусиқа адабиёти” фанларида ушбу давлатлар мусиқа маданиятини композиторлар яратган асарлар орқали тинглаб, тушуниб, таҳлил қилиш ва ўрганиш йўлга қўйилган. Албатта, чет эл ёки рус композиторларининг асарлари классик аънаа асосида ўз шаклиға эга. Ўзбек халқининг аънавий мусиқа санъати мақом эса мусиқий оҳанги ва лади, тузилиш шаклининг мураккаблиги билан бошқа мусиқа санъатлари ичида ажралиб туради. Шундай экан, ушбу нафис санъат турини “Ўзбек мусиқа адабиёти” ёки “Ўзбек мусикаси тарихи” фани ичида қисман ўргатиш етарли эмас, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, мақомни алоҳида фан сифатида ўсиб келаётган ёш авлодга кенг тарғиб қилиш ҳамда таълим соҳасиға қатъий қиритиш орқали ўргатиш, босқичма-босқич мукамал ва мустақил тушунча бериш яхши самара беради. Ушбу мақсадини амалга ошириш учун, ўзбек мақоми тарихи ҳақида мусиқа мактаби ўқувчилари қабул қилади-ган даражада маълумотлар бериш ва тушунтириш йўли орқали ҳамда “Шашмақом”нинг келиб чиқиши, ҳар бир мақом қисмлари ҳақида алоҳида ва тушунарли манбаларни ўргатиш талаб қилинади.

Бундан ташқари, Озарбайжон ва Тожикистон республикаларининг мусиқа таълими жараёнини қузатиш ҳам зарар қилмайди. Чунки бу халқлар ўз миллий мумтоз мусиқа санъатини болалар мусиқа мактабларидан ўргатишни бир неча йиллар олдин йўлга қўйиб бўлган. Озарбайжон муғомлари ва Тожикистон мақомлари қаторида бизнинг мақомимизни ҳам нафақат ўрта таълим, олий таъ-

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВЛАР!

“ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Давлат Мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб, она диёримизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлидаги улугвор янгиланишлар, ватанпарварлик замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, шеър, насрий, болалик адабиёти, бадиий-публицистик йўналишдаги энг сара асарлар учун “ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК” Республика танловини эълон қилади.

ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН
АСАРЛАРНИНГ ТУРЛАРИ:

Танловга 2018 йилнинг 1 августидан 2019 йилнинг 1 августига қадар республикамиздаги вақтли матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган шеърлар, ҳикоялар, мақолалар, очерклар ёки китоб ҳолида чоп этилган шеър, насрий, болалик адабиёти, бадиий-публицистик йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин.

Тақдим этилган ишларда “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган,

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури, “Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Хар бир оила - тадбиркор”, “Ёшлар - келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби муҳим давлат ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти ёритилган бўлиши керак. Шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашни, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг

имконият очиб берилаётгани, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларнинг ижобий натижалари, миллий кадриятларимиз, Ватан туйғуси, истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси Адиблар хиббони. Телефонлар: 71-231-83-67, 71-231-83-49) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлиналари орқали 2019 йилнинг 10 августига қадар қабул қилинади ҳамда танлов ҳайъати томонидан қўриб чиқилади.

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН
ИЖОДИЙ ИШЛАРГА ҚУЙИДАГИ
ҲУҶЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНИШИ
ЛОЗИМ:

- муаллиф аризаси ва профессионал фаолияти ҳақида қисқача маълумот;
 - муаллифнинг паспорт нусхаси;
 - муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони рақамлари.
- Танлов ғолиблари:
- Битта биринчи ўрин — энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдориди;
 - Иккита иккинчи ўрин — хар бири энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдориди;
 - Учта учинчи ўрин — хар бири энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдориди;
 - Бешта рағбатлантирувчи ўрин — хар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдориди пул мукофотлари билан тақдирланади.
- Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ, АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

“ПОСБОНИМАН МУҚАДДАС ЮРТНИНГ”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилишининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари қўлини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5413-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан профессионал ижодкорлар ўртасида шеър, насрий асарлар танлови ўтказилди.

Танловга тақдим этиладиган шеърларда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни мил-

лий гурур ва мамлакат Қуролли Қучларига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш ва Ватан ҳимоячисининг янги қиёфасини шакллантириш, “Ўзбекистон — мустақил Ватаним, миллий армиям — фахрим, гурурим!” шiori моҳияти акс эттирилиши керак.

Танловга ҳужжатлар (ариза, паспорт нусхаси, иккитадан олтигача бўлган шеър матнлари) жорий йилнинг 10 августига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлимига топширилиши лозим.

Танловда биринчи ўринга лойиқ деб топилган шеърлар муаллифи энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориди пул мукофоти билан, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ижодкорлар эсалиқ совғалари билан тақдирланади.

Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
Бунёдкор кўчаси Адиблар хиббони, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси.

E-mail: badiiy_adabiyot@mail.ru

Маълумот учун телефонлар: 71-231-23-46, 99-898-30-34

КИТОБГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ

Қарши давлат университети рўпарасида китоб ва илмга атаб рамзий маънода “Китоблар монументи” ўрнатилди. Монументнинг очилишига бағишланган тантанали тадбир нафақат талаба-ёшлар, балки барча қаршиликлар учун маърифат ва китоб байрамга айланиб кетди.

Ҳайкалнинг очилишига бағишланган тадбирда вилоят ҳокими Зафар Рўзиев, профессор Абдурахим Эркаев ва бошқалар сўзга чиқиб, китобнинг инсон тарбиясидаги беқиёс аҳамияти, китобхонлик маданияти ҳақида сўзлашди. Ёш ижодкорларнинг аънавий Зомин республика семинари иштирокчиси Н.Усмонова “Китоб” номили шеърини ўқиди.

Мазкур монумент мамлакатимизда ёшларни китобхонликка жалб этиш бора-бора олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг мантйқий давоми бўлди. 12 донга китоб тахлами акс этган ушбу монументда

ўзига хос рамзий маъно мужассам. Унга Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Захриддин Мухаммад Бобур, Абдулла Орипов, Шароф Рашидов каби аллома ва мутафаккирлар билан бир қаторда Бальзак, Шекспир, Пушкин каби жаҳон адабиёти намояндаларининг ҳам номлари битилган.

— Университетимиз қошида мана шундай монументнинг ўрнатилгани бизни жуда тўқинлантирди, — дейди Қарши давлат университети 2-босқич талабаси Шохсанам Абдушукророва. — Китоб бе-баҳо неъмат экани барчамизга маълум, лекин уни бу тарзда қадрият даражасига кўтарилгани жуда гўзал, фахрланишга арзигulik иш бўлди. Бу монумент сурати тезда ижтимоий тармоқлардан жой олиб, уни юртимиз ахли, айниқса, ёшлар ўзгача гурур билан муҳокама қилаётгани қувонарлидир. Ушбу изоҳларда ҳайкал муаллифи

Карим Алимовга билдирилаётган самимий миннатдорлик сўзлари ҳам мазкур санъат асари муваффақиятли чиққанидан дарак беради. Интернет саҳифаларида Германияда буюк немис ёзувчи-шоирларининг асарлари шарафига ўрнатилган монументни кўргандим. Ўзбек адабиётида ҳам шундай буюк ижодкорлар ва уларнинг асрларга татигulik асарлари борки, улар дунё тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Мана, бугун рамзий маънода улар ҳурматида биз ҳам монумент ўрнатдик. Бу монумент нафақат китобхонликка даъват қилади, балки ўзбек адабиётининг боқий эканлигини, эслатиб туради. “Китоблар монументи” атрофи ҳозирданок ёшларнинг сеvimли манзилига, умуман, Қарши шаҳридаги диққат сазовор жойлардан бирига айланди.

Ўз муҳбиримиз.



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида бир ҳафта давомида
Халқ чолғу ижрочиларининг республика танлови бўлиб ўтди.

Юзга яқин танлов катнашчилари най, кашкар ва афгон рубоби, чанг, рубоб-прима, гижжак, қўшна, дутор, боз, дутор, гижжак-контрабас каби سازларда еттига йўналиш бўли-ича иштирокчиларини намойиш эти-ди-лар. Иштирокчиларнинг хар бир чиқишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Якуний ҳу-лосага кўра саккизга катнашчи ик-кинчи, еттитага учинчи ўрин билан тақдирланди.

Тоштемир Шуқуруллаев, Ваҳоб Қурбонов, Шоҳрух Абдуллаев, Фирдавс Наимов, Фахриёр Қосимов, Ибрайтжон Ҳафизов ва Гулноз Аллабергенова ўз йўналишларида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Тадбирнинг ёпилиш маросими-да иштирок этган Маданият вазири Б.Сайфуллаев ғолибларга мукофот-ларни топширар экан, иштирокчи ёшларга ижодий омад тилади.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Сизларнинг тақлиф ва
истакларингиз иноватга
олиниб,

Тошкент шаҳар Чилонзор
тумани Адиблар хиббонида
жойлашган Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси биносидagi
“Ижод” фонди китоб
дўконига сеvimли нашрингиз
“Ўзбекистон адабиёти ва
санъати” газетасининг сотуви
ташкил этилди. Баҳолар
келишилган нархда.

МЎАЖАА: Метронинг
“Миллий бог” бекати.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамкорликда
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан
тарихий, замонавий драматик, мусиқали драма ва кўнтричқоқ пьесаларига
танлов эълон қилади.

Танловга тақдим қилинадиган хар тўртга йўналишда-ги (тарихий, замонавий драматик, мусиқали драма ва кўнтричқоқ пьесалари) асарларда давр руҳияти, бутунги кун муаммолари ва ютуқлари, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар акс этилиши шарт. Буюк сиймоларга бағишланган тарихий, шунингдек, олимлар, ҳарбийлар, ички ишлар, тиббиёт ҳодимлари, санъаткорлар, ўқитувчилар, декон-лар, истиқлолчилар, банкирлар, фермерлар, тадбиркор-лар, ҳайдовчилар, қурувчилар, чўпонлар, ёш ишти-роқчилар, давримизнинг илгир аёллари ҳаёти, табиғий асраш, ҳаётий воқеалар акс этган бу асарлар ўзида мил-латлараро бағрикенглик, товуллик, инсонпарварлик ғоя-ларини жон элиб, ёшларга ибрат бўладиган, уларнинг хар томонлама юмил инсон бўлиб вояга етишига қалбиди ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларининг мустаҳкам қарор топи-шига хизмат қилиши лозим.

Тақдим этиладиган асар ўзбек тилида, 3 нусхада (электрон вариант билан), компьютерда А4 фор-матда, 1,5 интервал, 14 шрифтда қўчирилган бўлиб, ҳажми 30-35 саккизлаш ошмалини зарур.

Танловда ёпилиш катъий назар, барча ижодкорлар драматургиянинг тарихий, замонавий драматик, му-сикали драма ва кўнтричқоқ пьесаси жанридаги асар-лари билан иштирок этиши мумкин.

Асар белгиланган тартибда юборилмаса, мурожа-атлар қўриб чиқилмайди.

Тақдим қилинган асарлар муаллифларга қайтари-лмайди.

Барча асарлар нуфузли ҳайъат аъзолари томони-дан қўриб чиқилади. Танлов ғолиблари 4та йўналиш (тарихий, замонавий драматик, мусиқали драма ва кўнтричқоқ пьесалари) бўйича мукофотланади:

1-ўрин (тарихий асар йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқ-дориди;

- 1-ўрин (замонавий драматик йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқ-дориди;
- 1-ўрин (мусиқали драма йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдориди;
- 1-ўрин (кўнтричқоқ пьеса йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баробари миқдориди;
- 2-ўрин (тарихий асар йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баробари миқдориди;
- 2-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баробари миқдориди;
- 2-ўрин (мусиқали драма йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баробари миқдориди;
- 2-ўрин (кўнтричқоқ пьеса йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баробари миқдориди;
- 3-ўрин (тарихий асар йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баробари миқдориди;
- 3-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баробари миқдориди;
- 3-ўрин (мусиқали драма йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баробари миқдориди;
- 3-ўрин (кўнтричқоқ пьеса йўналиши бўйича жами 1та) — энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баробари миқдориди.

Ижодий ишлар 2019 йилнинг 1 ноябрга қадар қабул қилинади ва ғолиблар жорий йилнинг 8 декабри кунги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами ара-фасида эълон қилинади.

Асарлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вази-рлиги Репертуар — тахририят шўъбасига юборилади.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.
Репертуар тахририят шўъбасига.
Тел: 256-85-28

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан Рузиқулова Лобар Эшмулатовна номига 0126 рақам билан берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ижо-дий жамоалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ташкил этилган “Дўстлар клуби” фаолияти ўзининг ижобий натижаля-рини намойиш этмоқда.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг хар бир сони кўп йиллик газетхонлар қаторида “IMZO AKFA” корхонасининг ишчи-хизматчиларига мунтазам етиб бо-ради. Тушлик ва танаффус пайтларида корхона ишчилари ўртасида “ЎзАС”нинг янги сонида чиққан шеър, хикоя ва мақолаларни муҳокама қилиш одат тусига қиярпти. Ўз навбатида тахририят ижодий жамоаси хар ойда бир марта “IMZO AKFA” корхоналари жамоаси билан адабий учра-шувлар, маърифий суҳбатлар уюштириши йўлга қўйилди.

Халқимизда, “Қаторда норинг бўлса, юкинги ерда қолмаган”, деган нақл бежизга айтилмаган. Адабиёт ва маърифат — кўнгил озиғи, дилларни ўзаро боғлов-чи восита. Санъат-ишлаб чиқариш соҳасида жумладан, “IMZO AKFA” корхоналарида ҳам адабиётга доимий эҳтиёж мавжуд, элимизнинг сеvimли шоир-ёзувчилари билан дилдан мулоқотта муштоклик борлиги ҳам сир эмас. Қолаверса, шоир-ёзувчилар ва санъаткорларнинг муҳтарам Президентимиз айтганларидек, “доимо эл-юрт нигоҳида, одамлар орасида бўлиш” хар иккала то-мон учун кўнгилли воқеадир.

Кунги кеча “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ижодий жамоаси ва яқин ҳамкоримиз, Муқимий номидаги мусикали театр санъаткорларининг “IMZO AKFA” корхо-наси ишчи-хизматчилари жамоаси билан навбатдаги ада-бий-маърифий учрашуви бўлиб ўтди.

Адабиёт ва санъат, бугун юртимизда кечаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида бошланган самимий суҳбат қуй-қўшиқларга уланиб кетди. Муқимий номидаги му-сикали театр актери Муқаддас Мамадалиева, хонандани — Аббор Муродов ва Элмурод Зиёевларнинг чиқишлари даврага ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

Б.НИЗОМОВА

“GULISTON”
2019 йил, 3-сон

Журналнинг янги сони Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбу-от ва оммавий ахборот воситалари ҳодимларига йўллаган байрам табриғи билан очилган.

Воҳид Лукмоннинг Ўзбекистон Респу-бликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шодмо-нов билан суҳбати бу соҳада амалга оширила-ётган ислохотлар, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш борасидаги ишлар, “тиббиёт туризми” тушунчасининг моҳиятига бағишланган.

Халқнинг ўзидек қадим ва буюк мерос — бахшичилик бугун-ги кунимизгача жонли ижро ҳолатида етиб келган юксак санъ-ат намунасидир. Филология фанлари доктори Ж.Эшонқулнинг мақоласида “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг тарихий аҳамияти ҳақи-да сўз боради. “Асосий мақсадимиз — одамлар розилигига эри-шиш” номили мақолада “Гулистон” муҳбири Шермурод Субхо-новнинг Бухоро вилояти ҳокими Ўқтам Барноев билан суҳбати вилоятда олиб борилаётган тизимли ислохотларга бағишланган.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан М.Шамсеевнинг “Бола қалби билан яшаш завқи” мақоласи, шо-ир Д.Ражабнинг туркум шеърлари чоп этилган.

“Хотира — азиз, қадр — муқаддас” руқнида таниқли ижод-корлар ва санъаткорлар ижодидан намуналар, О.Шарафидинов, Т.Қаипбергенов, И.Юсупов таваллулларининг 90 йиллиги муно-сабати билан бир қатор мақолалар эълон қилинган.

М.Ҳазратқуловнинг “Қардошлик ифодаси”, Т.Бекназаров-нинг “Бахт-саодат — меҳнатда”, К.Жонтоевнинг “Тафаккур-ни бойитувчи асарлар”, М.Қосимовнинг “Меҳри дарёлар” каби мақолалари, шунингдек, Ойдинисоннинг “Бутун олам сўздан и-борат”(шоир Нодир Жонузок билан суҳбат), таниқли публицист Ахмаджон Мелибоевнинг “Хангомалар”и, шоира Хуриданнинг туркум шеърлари, кизикарли хикоя ва очерклар журнал маз-мун-мундарижасига ўзига хослик бағишлаган.

“НИХОЛ” СОВРИНДОРИНИНГ ИЛК КИТОБИ

Бугун юртимизда Эрматовлар оиласини бил-майдиган одам кам топилса керак. Оила бошлиғи Рустам Эрматов ўзининг рассомлик маҳорати билан тилга тушиб, қатор кўргазмаларда фаол кат-нашиб, санъат муҳлислари орасида эътирофга сазовор бўлди. Кейинчалик “Рассомларга ко-мпозиция муаммолари” деб номланган тадқиқоти туфайли номзодлик диссертациясини ҳимоя қил-ди. Яна ҳам муҳими, фарзандлари истеъдодли юзга чиқариш йўлида қийинчиликлардан қўчи-май, қатъий савий-ҳаракатлари натижасида “Хавас” номили оилавий ансамбль тузишга муваффақ бўлди. Ушбу ансамблнинг муваффақи-ятларидан жамоатчилик, санъат аҳли яхши хабардор.

Кунги кеча Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюш-масида “Хавас” гуруҳининг тажрибали аъзоси, оиладаги қатта фарзанд, “Нихол” мукофоти совриндори Қарҳамон Ғўломжонов-нинг илк китоби тақдими бўлиб ўтди. Қарҳамоннинг компо-зиторлик йўналишидаги ижодий асарларини ўз ичига олган мазкур китоб “Парвоз завқи” деб номланган. Китоб тақдимида айтил-ган фикрлар Қарҳамон қўшиқчилик билан бирга, бастакорлик йўналишида ҳам ўзига хос изланишлар олиб бораётганидан дало-лат беради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси “Кўнтричқоқ театри санъати” кафедраси мудири, до-цент Аъзамжон Абдухалиловга отаси

Абдуллахонов АБДУХАЛИЛОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси “Фольклор ва этнография” кафедраси журнaвoзи

Абдумалик ЗИЯЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин-ларига ҳамдардлик билдиради.

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзил: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош
муҳаррир
Ўқтам
МИРЗАЁР

Халқор.ш.з:
imzo
akfa

Тахририятга келган қўғазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби — 5749. Буюртма Г — 755.
Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 22.
Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.45.
Босишга топширилди — 22.45.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.
ISSN 2332-614X